

## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 244-ҳадис

\* وروينا فيه عن عائشة رضي الله عنها أيضا قالت: "ما كان رسول الله صلى الله عليه وسلم منذ صحبته ينام حتى فارق الدنيا حتى يتعوذ من الجبن والكسل والسامة والبخل وسوء الكبر وسوء المنظر في الأهل والمال وعذاب القبر ومن الشيطان وشركه".

244/28. Яна Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан то дунёдан сафар қилгунларига қадар ҳамроҳ бўлдим. У зот ухлайдиган бўлсалар, кўрқоқликдан, дангасаликдан, малол кўришдан, бахилликдан, кибрдан, аҳли ва молдаги ёмон кўринишдан, қабр азобидан, шайтон ва унинг ширкидан паноҳ тилар эдилар».

Ибн Сунний ривоятлари.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

